



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 10 » iyul

№ 425

Toshkent sh.

2025-2026 йилларда сунъий интеллект технологиялари соҳасида устувор лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги тузилмасидаги “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” давлат муассасаси негизда “Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

а) 2025-2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидаги ҳамда уларнинг иштирокидаги ташкилотлар томонидан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

б) 2025-2026 йилларда вазирлик ва идоралар томонидан амалга ошириладиган сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) мазкур қарорга 1-иловада белгиланган устувор лойиҳалар Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Рақамли технологиялар вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Бунда ушбу устувор лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва дастурий таъминотларни келгусида техник қўллаб-қувватлаш, улардан фойдаланиш ҳамда бошқа молиявий масалалар манфаатдор вазирлик ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

б) Марказга мазкур қарорга 1-иловада белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидаги ҳамда уларнинг иштирокидаги ташкилотлар ўртасида танлов ўтказишга рухсат берилади;

в) ушбу қарорга 2-иловада белгиланган вазирлик ва идоралар **ҳар чорак якуни** бўйича Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигига устувор лойиҳалар амалга оширилиши юзасидан тегишли ахборот киритиб боради.

4. Рақамли технологиялар вазирлиги Тошкент шаҳридаги Инҳа университети учун 2026 йил 1 июнга қадар сунъий интеллект технологияларини амалга ошириш бўйича параллель ҳисоблаш, машинавий ўқитиш ва бошқа лойиҳалар учун зарур бўлган график ишлов бериш блокларини (GPU) ўз ичига олган юқори самарали ҳисоблаш кластери ҳамда катта маълумотлар базаси сервер қурилмалари харид қилинишини таъминласин.

Бунда ушбу сервер қурилмаларини харид қилиш Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Рақамли технологиялар вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши инобатга олинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**2025-2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидаги
ҳамда уларнинг иштирокидаги ташкилотлар томонидан сунъий интеллект технологияларини
жорий этиш бўйича устувор лойиҳалар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика sanoati соҳалари				
1.	Сунъий интеллект ёрдамида дори воситаларига бозор эҳтиёжларини таҳлил ва прогноз қилиш учун дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Тизимни синов тариқасида “Фармацевтик маҳсулотлар хавфсизлиги маркази” ДМда ишга тушириш. 3. Тизимни тўлиқ ишга тушириш.	2025 йил октябрь 2027 йил февраль 2027 йил июль	Рақамли технологиялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фармацевтика гармоғини ривожлантириш агентлиги
2.	Клиник қарорлар қабул қилишни автоматлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий ёрдам сифатини оширишга мўлжалланган сунъий интеллектга асосланган рақамли тиббий ёрдамчи дастурий таъминотини ишлаб чиқиш (ТОП-3 ташхис).	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Тизимни синов тариқасида Олмазор тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳамда “Шох сарой” хусусий клиникасида* ишга тушириш. 3. Тизимни тўлиқ ишга тушириш.	2025 йил сентябрь 2026 йил октябрь 2026 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
3.	DMED Ягона тиббий ахборот тизимига интеграциялашган, тиббий кўрик жараёнини автоматик равишда баёнаштириш учун нутқни аниқлаш технологияларидан (STT) фойдаланган ҳолда овозли ёрдамчи дастурий таъминотни (модулини) ишлаб чиқиш.	1. Тизимнинг лойиҳа техник хужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Тизимни синов тариқасида Юнусобод тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳамда “Кўксарой” диагностика маркази хусусий клиникасида* ишга тушириш. 3. Тизимни тўлиқ ишга тушириш.	2025 йил сентябрь 2026 йил январь 2026 йил март	Рақамли технологиялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
4.	Кўкрак кафасидаги тугунлар, ўсмалар, яллиғланиш жараёнлари ва бошқа патологик ўзгаришларни эҳтимолий аниқлаш мақсадида сунъий интеллект ёрдамида компьютер томографияси ва рентген тасвирларини таҳлил қиладиган дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Тизимни синов тариқасида Республика ихтисослаштирилган физиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда “Федорович” хусусий клиникасида* ишга тушириш. 3. Тизимни тўлиқ ишга тушириш. 	<p>2025 йил октябрь</p> <p>2026 йил октябрь</p> <p>2026 йил декабрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирилиги, Соғлиқни сақлаш вазирилиги</p>
5.	Маммография тадқиқотлари асосида кўкрак беzi саратонини эрта аниқлаш бўйича сунъий интеллект технологиясини жорий этиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда лойиҳа техник хужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Тизимни синов тариқасида Республика ихтисослаштирилган онкология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда “Дармон Сервис” хусусий клиникасида* ишга тушириш. 3. Тизимни тўлиқ ишга тушириш. 	<p>2025 йил сентябрь</p> <p>2026 йил октябрь</p> <p>2026 йил декабрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирилиги, Соғлиқни сақлаш вазирилиги</p>
II. Аэрокосмик мониторингда сунъий интеллект технологияларини қўллаш соҳалари				
6.	Аэрокосмик мониторингда сунъий интеллектни қўллаш орқали кишлоқ хўжалиги экинлари (буғдой ва пахта)нинг ҳосилдорлигини прогноз қилиш бўйича танланган ҳудудларда тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тўплаш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳани амалга ошириш. 	<p>2026 йил ноябрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирилик ва идоралар</p>
7.	Аэрокосмик мониторингда сунъий интеллектни қўллаш орқали ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ва қурилиш ишларини барвақт аниқлаш бўйича танланган ҳудудларда тажриба-синов лойиҳани амалга ошириш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тўплаш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳани амалга ошириш. 	<p>2026 йил сентябрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирилик ва идоралар</p>

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
8.	Аэрокосмик мониторингда сунъий интеллектни қўллаш орқали яйловларнинг яшиллик ҳолатини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича танланган хууддларда тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш.	1. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тўплаш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳани амалга ошириш.	2026 йил ноябрь	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
9.	Аэрокосмик мониторингда сунъий интеллектни қўллаш орқали электр узатиш тармоқларининг ҳолатини (сим, устун ва сунъий интеллект имкониятидан келиб чиқиб бошқалар) мониторинг қилиш бўйича танланган хууддларда тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш.	1. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тўплаш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳани амалга ошириш.	2026 йил август	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
10.	Космик мониторингда сунъий интеллект ҳамда геоахборот тизимларини қўллаш орқали мавжуд қуёш панелларининг ўрнатмаларини ва ўрнатиш учун юқори самарадорликка эга жойларни аниқлаш бўйича танланган хууддларда тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш.	1. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тўплаш. 2. Лойиҳа техник хужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳани амалга ошириш.	2026 йил октябрь	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
Ш. Транспорт, логистика ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳалари				
11.	Аэрокосмик мониторингда сунъий интеллектни қўллаш орқали темир йўл ҳолатини мониторинг қилиш бўйича танланган хууддларда тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш.	1. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тўплаш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳани амалга ошириш.	2026 йил июль	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
12.	Тошкент шаҳридаги темир йўл вокзалларида кириш қисмига фуқароларни идентификация қилиш борасида сунъий интеллектга асосланган “UzFace” тизимини тажриба-синов тарихида ишга тушуриш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тўплаш. 2. Лойиҳа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳани амалга ошириш. 	2025 йил октябрь 2025 йил декабрь 2026 йил март	Рақамли технологиялар вазирилиги, Транспорт вазирилиги
13.	Аэрокосмик мониторингга сунъий интеллектни қўллаш орқали автомобиль йўлларида асфальт қопламалари ҳолатини аниқлаш ва мониторинг қилиш бўйича танланган ҳудудларда тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тўплаш. 2. Лойиҳа техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳани амалга ошириш. 	2026 йил июнь	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
14.	Космик суратларнинг ўлчами аниқлигини яхшилаш учун сунъий интеллект моделини ишлаб чиқиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тўплаш. 2. Лойиҳа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳани амалга ошириш. 	2026 йил март	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
15.	Сунъий интеллект ёрдамида жамоат транспортни ҳамда оғир юк машинасини бошқариш жараёнида ҳайдовчининг ҳаракатини кузатиб боришда мобил алоқа воситасидан фойдаланиш, мудраш ва ухлаб қолиш каби хавфли вазиятлардан огоҳлантириш тизимини яратиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Маҳаллий ва хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тизимни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш. 	2025 йил сентябрь 2025 йил декабрь 2026 йил апрель	Рақамли технологиялар вазирилиги, Транспорт вазирилиги
16.	Синов тарихида компьютер нигоҳи орқали шахсни идентификация қилган ҳолда кичик қойдабузарликларни (чекиш ҳолатлари, пиёдалар белгиланмаган йўл қатнов қисмидан ўтиш) аниқлаш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш. 	2025 йил сентябрь 2025 йил декабрь 2026 йил июль	Рақамли технологиялар вазирилиги, Ички ишлар вазирилиги, Миллий гвардия

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириши механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
17.	Компьютер нигоҳи орқали самокатларда хавфсизлик талабларига зид холда ҳаракатлангиш ҳолатларини автоматик тарзда аниқлашни йўлга қўйиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хоржий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	2025 йил сентябрь 2026 йил февраль 2026 йил сентябрь	Рақамли технологиялар вазирилиги, Ички ишлар вазирилиги, Миллий гвардия
18.	Фуқаролар учун ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш модулини ишлаб чиқиш ҳамда сунъий интеллект ёрдамида суд ҳаражатларини ҳисоблаш имкониятини яратиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хоржий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тизимни синов тариқасида ишга тушириш.	2025 йил сентябрь 2025 йил октябрь 2026 йил май	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирилик ва идоралар
19.	Суд қарорлари лойиҳаларини автоматик тайёрлаш махсус ахборот дастурини ишлаб чиқиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хоржий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тизимни синов тариқасида ишга тушириш.	2025 йил август 2025 йил октябрь 2026 йил июнь	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирилик ва идоралар
20.	Фуқаролар, адвокатлар, юристлар, судьялар учун норматив-ҳуқуқий хужжатларни таҳлил қилиш платформасини яратиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хоржий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тизимни синов тариқасида ишга тушириш.	2025 йил август 2025 йил сентябрь 2026 йил март	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирилик ва идоралар
21.	Видеокузагув камералари ва компьютер нигоҳи технологияси ёрдамида маиший чиқиндиларни ташлаш ҳолатларини аниқлаш бўйича “UzFace” тизимини такомиллаштириш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хоржий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.	2025 йил август 2025 йил декабрь 2026 йил сентябрь	Рақамли технологиялар вазирилиги, Ички ишлар вазирилиги

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
22.	Компьютер нигоҳи ёрдамида инсоннинг кийими, соч ранги кўлидаги буюмлар бўйича фильмларни хамда инсонни объект сифатида аниқлаш тизимини яратиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.	2025 йил август 2025 йил декабрь 2026 йил август	Рақамли технологиялар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги
IV. Экология, саноат, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар				
23.	Сунъий интеллект ёрдамида давлат харидларида қонунга зид ҳолатларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун дастурий махсулотни ишлаб чиқиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Дастурий махсулотни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.	2025 йил сентябрь 2026 йил февраль 2026 йил ноябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
24.	Бюджет ташкилотларининг давлат харажатларини амалга ошириш жараёнида барча етказиб берувчиларнинг ҳисобрақамларини автомат равишда текшириш имкониятини яратиш.	1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан Марказий банк ахборот тизимлари ўртасида банк ҳисобрақамлари тўғрисида маълумот алмашинуви бўйича техник йўриқнома ишлаб чиқиш. 2. Техник йўриқномани белгиланган тартибда тасдиқлаш. 3. Бюджет ташкилотларининг давлат харидлари жараёнида банк ҳисобрақамларини инсон омилсиз текшириш имкониятини синовдан ўтказиш ва ишга тушириш.	2025 йил август 2025 йил октябрь 2026 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
25.	Радиолокацион космик суратларни сунъий интеллект орқали қайта ишлаш натижасида норузда фойдали қазилма конларида ўзгаришларни аниқлаш бўйича танланган ҳудудларда тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш.	1. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тўплаш. 2. Лойиҳа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳани амалга ошириш.	2026 йил август	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddаги	Масъул ижрочилар
26.	Ўзбек тилида сўзловчиларни ажратган холда (диаризация), мажлисларни баёнлаштириш тизимини ишлаб чиқиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Тизимни синов тариқасида ишга тушириш. 	<p>2025 йил октябрь</p> <p>2026 йил февраль</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
27.	Сунъий интеллект технологиясига асосланган “Ўзбек тили корпуси” учун маълумотлар тўпламини шакллантириш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Зарур маълумотлар тўпламини шакллантириш. 4. Синов тариқасида очик моделлар асосида миллий моделни ишлаб чиқиш ҳамда тўпланган маълумотлар асосида ўқитиш. 	<p>2025 йил октябрь</p> <p>2026 йил февраль</p> <p>2026 йил май</p> <p>2026 йил ноябрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
28.	Сурдо таржима механизмига эга мобил иловани ишлаб чиқиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда лойиҳа техник хужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Дастурий махсулотни синов тариқасида ишга тушириш. 	<p>2025 йил октябрь</p> <p>2026 йил ноябрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
29.	Имконияти чекланган шахслар учун бинолар, иншоотлардаги инклюзивлик талабларига мувофиқликни автоматлаштирилган тарзда таҳлил қилиш учун аппарат-дастурий комплекснинг техник намунасини яратиш ва пандусларнинг қиялик бурчаги, кенглиги, баландлиги ва қопламаси ҳолатини аниқлаш бўйича ихтисослашган роботлаштирилган машиналарни харид қилиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Моделни ишлаб чиқиш ва ўқитиш, синов тариқасида ишга тушириш. 	<p>2025 йил октябрь</p> <p>2025 йил декабрь</p> <p>2026 йил декабрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
30.	Тарихий маълумотлар асосида сунъий интеллект технологиясини қўллаган ҳолда об-ҳавони олдиндан прогноз қилиш тизимини жорий қилиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш. 3. Тизимни ишга тушириш.	2025 йил сентябрь 2025 йил декабрь 2026 йил февраль	Рақамли технологиялар вазири, манфаатдор вазирлик ва идоралар
31.	Фойдаланувчиларга маслаҳат ёрдамини кўрсатиш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари порталида овозли ва матнли “Чат-ботни” жорий этиш.	1. Лойиҳаолди ўрганиш ишларини амалга ошириш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Чат-ботни ишлаб чиқиш.	2025 йил октябрь 2025 йил декабрь 2026 йил апрель	Рақамли технологиялар вазири, манфаатдор вазирлик ва идоралар
32.	Ягона интерактив давлат хизматлари порталида оммабол хизматларни кўрсатиш жараёнида фойдаланувчи томонидан юкланган хужжатнинг талабларга мувофиқлигини текшириш ва ушбу хужжатдаги маълумотлар асосида зарур майдонларни автоматик тўлдириш имконини берувчи хизматни ишлаб чиқиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда лойиҳа техник хужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш.	2025 йил октябрь 2026 йил август	Рақамли технологиялар вазири, манфаатдор вазирлик ва идоралар
33.	Ягона интерактив давлат хизматлари портали контакт марказини автоматлаштириш тизимини сунъий интеллект асосидаги овозли роботлардан фойдаланган ҳолда жорий этиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда лойиҳа техник хужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш.	2025 йил октябрь 2026 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазири, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
34.	<p>Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнини бошқариш хизмати (овоз ёрдамида майдонларни автоматик тўлдириш) жорий этиш.</p>	<p>1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда лойиха техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш.</p>	<p>2025 йил сентябрь</p> <p>2026 йил август</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
35.	<p>Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда rm.gov.uz ва murojaat.gov.uz порталлари орқали тушган мурожаатларни қабул қилиш ва ишлаш тизимини ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда лойиха техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Тизимни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Тизимни синов тарикасида ишга тушириш.</p>	<p>2025 йил сентябрь</p> <p>2026 йил октябрь</p> <p>2026 йил декабрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
36.	<p>Ўқувчилар томонидан фанлар ўзлаштирилишини таҳлил қилиш ҳамда билим ва кўникмаларни яхшилаш учун ўқув материалларини танлаб беришга мўлжалланган сунъий интеллект асосидаги ўқитувчи ёрдамчисини ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Лойихаолди ўрганиш ишларини амалга ошириш.</p> <p>2. Лойиха техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Тизимни ишлаб чиқиш.</p>	<p>2025 йил сентябрь</p> <p>2025 йил ноябрь</p> <p>2026 йил декабрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
37.	<p>Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларини, шу жумладан, сунъий интеллект соҳасида фаолият юритувчи дастурчиларни сунъий интеллектни жорий этиш ва қўллаш бўйича малака ошириш курслари ва тренингларга, шу жумладан, ихтисослаштирилган йўналишларга жалб этиш.</p>	<p>1. Малака ошириш курслари учун ўқув дастурлари ва материалларини яратиш.</p> <p>2. Малака ошириш курслари жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Ихтисослашган йўналишлар бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиш.</p>	<p>2025 йил август</p> <p>2025 йил сентябрь</p> <p>2025 йил октябрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
38.	<p>Илмий ва амалий соҳаларда самарали ва аниқ тадқиқотларни амалга ошириш учун сунъий интеллект технологиялари асосида мустақил ҳаракатланиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва лаборатория ускуналари билан ўзароинтеграция имкониятига эга бўлган 20 турдаги роботлаштирилган қурилмаларни харид қилиш.</p>	<p>1. Лойиҳаолди ўрганиш ишларини амалга ошириш. 2. Лойиҳа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш. 3. 20 турдаги роботлаштирилган қурилмаларни харид қилиш.</p>	2025-2026 йиллар	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
39.	<p>Давлат идораларининг 100 нафар ходимининг сунъий интеллект бўйича хорижий онлайн курсларда малакасини ошириш.</p>	<p>1. Малака ошириш курслари учун хорижий онлайн курслар рўйхатини шакллантириш. 2. Малака ошириш курслар жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Давлат идораларининг 100 нафар ходимларининг босқичма-босқич малака ошириш онлайн курсларини ташкил этиш.</p>	2025 йил август 2025 йил ноябрь 2026 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
40.	<p>Kubernetes ва Run:AI базасидаги платформаларни бошқариш ва тармоқларни лойиҳалаштириш бўйича мутахассислар малакасини ошириш.</p>	<p>1. Kubernetes ва Run:AI базасидаги малака ошириш курслари рўйхатини шакллантириш. 2. Босқичма-босқич малака ошириш онлайн курсларини ташкил этиш.</p>	2025 йил август 2025 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
41.	<p>Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва одамлар тўпланадиган жойларни мониторинг қилиш ҳамда жиноятларни аниқлаш учун компьютер нигоҳидан фойдаланиб видео-идентификация тизимини жорий этиш.</p>	<p>1. Маҳаллий ва хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш.</p>	2025 йил август 2026 йил февраль 2026 йил октябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
42.	<p>Ижтимоий соҳа объектларида хизмат кўрсатиш вақти, навбат вақти ва масъул ходим иш жойида мавжудлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш.</p>	2025 йил сентябрь 2026 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
43.	Сунъий интеллект ёрдамида Идоралараро хужжат айланиш тизимида вазифаларни автоматик равишда тайинлаш ва кузатиб бориш, кечикишларни аниқлаш ва яқинлашиб келаётган муддатларни эслатиб туриш функциясини жорий этиш.	1. Лойиҳани тадқиқ этиш ва хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	2025 йил август 2025 йил декабрь 2026 йил ноябрь	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
44.	Идоралараро хужжат айланиш тизимида сунъий интеллект технологиясидан фойдаланган ҳолда фойдаланувчиларга хужжатларни излаш бўйича “Чат-бот” техник ёрдам хизмати жорий этиш.	1. Лойиҳани тадқиқ этиш ва хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	2025 йил август 2025 йил декабрь 2026 йил июль	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
45.	Сунъий интеллект технологиясидан фойдаланган ҳолда идоралараро хужжат айланиш тизимида кирувчи хужжатларнинг ўзбек тилида матни таниб олиш (OCR), кирувчи хужжатларни таснифлаш ҳамда рўйхатга олиш ва хужжатлар бўйича Раҳбарларга устхатларни (фишка лойиҳаларини) шакллантириш модулни жорий этиш.	1. Лойиҳани тадқиқ этиш ва хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	2025 йил август 2026 йил январь 2026 йил март	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
46.	Samaradotlik.uz автоматлаштирилган ахборот тизимида ташкилот ва идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари модулидаги КРІ кўрсаткичларини тасдиқланган ҳисоботлар ўртасида таҳлил қилишда сунъий интеллект технологиясини қўллаш.	1. Илгор хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Сунъий интеллект технологияси асосидаги моделни ишлаб чиқиш.	2025 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирилиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
47.	Идоралараро ҳужжат айланиш тизимида сунъий интеллект технологиясини қўлаган ҳолда фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларни мазмуни бўйича таниб олиш ва ижрочиларнинг аввалги жавоблари асосида автоматик тарзда мурожаатларга жавобларни шакллантириш модулини жорий этиш.	1. Лойиҳани тадқиқ этиш ва хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	2025 йил август 2025 йил декабрь 2026 йил июнь	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
48.	Сунъий интеллектга асосланган мослашувчан интерполяция усули ёрдамида рақамлаштирилган тасвирларни қайта ишлаш ва сифатини яхшилаш web-платформасини ишлаб чиқиш.	1. Лойиҳаолди хужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Сунъий интеллектга асосланган мослашувчан интерполяция усулини ишлаб чиқиш. 4. Тасвирларни қайта ишлаш ва сифатини яхшилаш сунъий интеллект моделини ўқитиш.	2025 йил август 2025 йил октябрь 2026 йил март 2026 йил июнь	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
49.	Ўзбекистоннинг сунъий интеллект соҳасидаги халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича таҳлил ўтказиш.	1. Халқаро ташилотларнинг экспертларини жалб қилиш ва улар томонидан жорий ҳолатни таҳлил қилиш. 2. Таҳлил натижалари бўйича асослантирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2025 йил сентябрь 2025 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
50.	Сунъий интеллект йўналиши бўйича Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент шаҳридаги Инха университетларида лабораториялар ташкил этиш.	1. Тадқиқот лабораторияларининг техник параметрларини тасдиқлаш. 2. Техник параметрларга мувофиқ зарур ускуна ва жиҳозларни харид қилиш. 3. Тадқиқот лабораториялари учун ажратилган бино ва иншоот ёки махсус хоналарни жиҳозлаш.	2025 йил июль 2025 йил ноябрь 2025 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирилиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
51.	Сунъий интеллект йўналиши бўйича олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 5 та лабораториялар ташкил этиш.	<p>1. Тадқиқот лабораторияларининг параметрларини тасдиқлаш.</p> <p>2. Техник параметрларга мувофиқ зарур ускуна ва жиҳозларни харид қилиш.</p> <p>3. Тадқиқот лабораториялари учун ажратилган бино ва иншоот ёки махсус хоналарни таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш.</p> <p>4. Қуйидаги муассасаларда сунъий интеллект йўналиши бўйича лабораториялар ташкил этиш: Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети; Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети; Тошкент иқтисодий университети; Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети; Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти.</p>	2025–2026 йиллар	Рақамли технологиялар вазири, манфаатдор вазирлик ва идоралар
52.	Андижон давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университети ва бошқа олий таълим муассасаларида сунъий интеллект лабораторияларини ташкил этиш.	<p>1. Тадқиқот лабораторияларининг параметрларини тасдиқлаш.</p> <p>2. Техник параметрларга мувофиқ зарур ускуна ва жиҳозларни харид қилиш.</p> <p>3. Тадқиқот лабораториялари учун ажратилган бино ва иншоот ёки махсус хоналарни таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш.</p>	2025 йил октябрь 2026 йил июль 2026 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазири, манфаатдор вазирлик ва идоралар
53.	Жамоатчилик фикрини комплекс таҳлил қилишга қаратилган, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардаги нашрларни (хис-туйғулар, умумий контекст, асосий мавзулар ва фаол шахслар) қайта ишлаш функцияларини ўз ичига олган	<p>1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш.</p> <p>2. Лойиҳа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Платформани ишлаб чиқиш.</p>	2025 йил август 2025 йил ноябрь 2026 йил август	Рақамли технологиялар вазири, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
	долзарб ижтимоий масалалар бўйича жамоатчилик норозилиги даражасини мониторинг қилиш имконини берувчи сунъий интеллект асосидаги платформани ишлаб чиқиш.			
54.	Сунъий интеллект технологиялари ёрдамида видеоматериалларни автоматлаштирилган таҳлил қилиш тизимини яратиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	2025 йил август 2025 йил декабрь 2026 йил сентябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
55.	Банк соҳасида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда шубҳали тўловларни таҳлил қилиш тизимини яратиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	2025 йил сентябрь 2026 йил март 2026 йил ноябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
56.	Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда кўнгилочар ҳамда савдо объектларида ташриф буюрувчилар фаоллиги ва сонини мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш тизимини яратиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	2025 йил август 2026 йил март 2026 йил ноябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
57.	“Бир миллион ўзбек сунъий интеллект фойдаланувчиси” лойиҳасини ўз ичига олган “AIStudy.uz” платформасини ишлаб чиқиш.	1. Платформани ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Платформани ишга тушириш.	2025 йил июль 2025 йил сентябрь 2025 йил октябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
58.	Чекиш, ёнгин ва тутун омилларини аниқлаш тизимини яратиш ҳамда ушбу омиллар билан боғлиқ асосий объектларни сегментлаш ва таснифлаш учун компьютер нигоҳи технологиясини қўллаш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хоржий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиха техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	2025 йил август 2025 йил октябрь 2026 йил август	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
V. Суний интеллект йўналишидаги илмий-амалий тадқиқотлар				
59.	Норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг ўзбек тилидаги матн маълумотларини таснифлаш ва тематик излаб топиш алгоритмларини ишлаб чиқиш.	1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси ва бошқа манбалар асосида сунъий интеллект моделини ишлаб чиқиш ва ўқитиш учун зарур бўлган маълумотлар тўпламини шакллантириш. 2. Ўзбек тилидаги норматив-ҳуқуқий хужжатларни индекслаш, таснифлаш ва тематик излаб топиш учун ахборот-қидирув тизимини ишлаб чиқиш.	2026 йил октябрь 2026 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
60.	Миокард инфаркти билан оғриган беморларни реабилитация қилиш дастурларини хар бир беморга динамик мослаштириш учун чуқур ўрганиш модели ва алгоритмларини ишлаб чиқиш.	1. Ўткир коронар синдром ва юрак-қон томир касалликларининг бошқа асоратлари билан оғриган беморлар тўғрисида машинавий ўрганишга мўлжалланган тиббий маълумотлар тўпламларини шакллантириш; 2. Уй шароитида кардиологик реабилитация ва юрак-қон томир касалликларининг иккиламчи профилактикасини қўллаб-қувватлаш учун теледиабет тизимини яратиш.	2026 йил октябрь 2026 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
61.	Статистика хисоботларининг сифатини назорат қилиш учун самарали машинавий ўрганиш усулларини тадқиқ қилиш.	1. Статистика хисоботи ва кузатувлар маълумотларининг тўғрилиги ва яхлитлигини текшириш усулларини тадқиқ қилиш. 2. Маъмурий маълумотлардан фойдаланиб, статистика хисоботлари сифатини интеллектуал таҳлил қилиш ва яхлитлигини текширишнинг автоматлаштириш ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	2026 йил сентябрь 2026 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
62.	Атмосфера, ерости сувлари ва суғориладиган туцроқларнинг экологик ҳолатини мониторинг ва прогноз қилиш учун нозичликли математик моделлар ва сонли алгоритмларни ишлаб чиқиш.	Атмосферада зарарли антропоген чиқиндиларнинг тарқалиши, суоқлик фильтрацияси ва унумдор туцроқ қатламида минерал тузларнинг тарқалиш жараёнлари билан боғлиқ башоратлаш ва қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш дастурий таъминотини яратиш.	2026 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
63.	Архив хужжатларининг матнини таниб олиш ва метамаълумотларни ахборот тизимига киритиш жараёнларини автоматлаштириш имконини берувчи сунъий интеллектга асосланган ечимларни ишлаб чиқиш.	1. Архив хужжатларининг матнини (босма, қўлёзма) таниб олиш (OCR) ишланмаларини тадқиқ этиш. 2. Архив хужжатларининг магнитдан тегишли метамаълумотларни ажратиб олиш дастурий воситаларини ишлаб чиқиш.	2026 йил октябрь 2026 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
64.	Илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув муассасалари профессор-ўқитувчилари малақасини ошириш, ўқитишнинг замонавий услубларига эътибор қаратиш, ўқув жараёнини рақамлаштириш ва илгор илмий ёндашувларни жорий этиш.	1. Малақа ошириш курслари учун ўқув дастурлари ва материалларини яратиш. 2. Малақа ошириш курслари жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Ихтисослашган йўналишлар бўйича малақа ошириш курсларини ташкил этиш.	2025 йил сентябрь 2025 йил октябрь 2026 йил январь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Изоҳ: “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси йиғилиши баёни асосида мазкур иловага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳужуқи берилди.

*Соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни жорий этиш белгиланган давлат ва хусусий ташиқлотларга ўзгартириш киритиш мумкин.

**2025-2026 йилларда вазирлик ва идоралар томонидан амалга ошириладиган сунъий интеллект технологияларини
жорий этиш бўйича устувор лойиҳалар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddаги	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
I. Солиқ маъмурчилиги соҳаси					
1.	Сунъий интеллект элементларини амалдаги солиқ органларининг автоматлаштирилган ахборот тизимларига жорий этиш орқали солиқ хавфларини таҳлил қилиш ва баҳолашни йўлга қўйиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тизимни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш.	2026 йил май 2026 йил сентябрь 2027 йил ноябрь	Солиқ кўмитасининг Махсус жамғармаси маблағлари	Солиқ кўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги
2.	Сунъий интеллект элементларидан фойдаланган ҳолда солиқ тўловчиларга ёрдам бериш учун виртуал маслаҳатчи “Davg Op”ни такомиллаштириш. Бунда “Davg Op” ёрдамида солиқ тўловчиларга 24 соат, ҳафтанинг 7 кuni давомида автоматик режимида солиқ қонунчилигини тушунтириш ва мобил иловада фойдаланувчиларга мавжуд маълумотлар бўйича жавоб бериш механизмини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2026 йил октябрь	Солиқ кўмитасининг Махсус жамғармаси маблағлари	Солиқ кўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
3.	Солиқ кўмитасининг идоралараро хужжат айланиш тизимида сунъий интеллект технологиясидан фойдаланиб, фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларнинг мазмунини аниқлаш ва ижрочиларнинг олдинги жавоблари асосида автоматик жавоблар тайёрлаш модулини ишлаб чиқиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тизимни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш.	2026 йил март 2026 йил сентябрь 2027 йил май	Солиқ кўмитасининг Махсус жамғармаси маблағлари	Солиқ кўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги
4.	Солиқ органларида сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида солиқ инспекторлари, бизнес таҳлилчилар, лойиҳа менежерлари ва дастурчиларнинг ушбу соҳадаги билим ва кўникмаларни оширишга қаратилган махсус ўқув курсларига жалб этиш. Шу билан бирга, Япония, Германия, Сингапур ва Малайзия каби сунъий интеллект соҳасида илғор тажрибага эга мамлакатларга хизмат сафари асосида ташриф буюриб, уларнинг амалиётларини ўрганиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2025-2026 йиллар	Солиқ кўмитасининг Махсус жамғармаси маблағлари	Солиқ кўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги
5.	Солиқ органларининг “Call markazi” фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш. Бунда: сунъий интеллект асосидаги овозли роботлар ёрдамида	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Тизимни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш.	2026 йил май 2026 йил октябрь 2027 йил октябрь	Солиқ кўмитасининг Махсус жамғармаси маблағлари	Солиқ кўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
	<p>операторлар ва мижозлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни автоматлаштириш бўйича; сунъий интеллект ёрдамида солиқ тўловчиларга кўнглироқлар қилиш орқали уларнинг солиқ қарздорлиги тўғрисида огоҳлантириш бўйича тизимни жорий этиш назарда тутилади.</p>				
II. Божхона маъмурчилиги соҳаси					
6.	<p>Божхона декларациясида товарлар тўғрисидаги маълумотлар асосида унинг ТИФ ТН кодини аниқлаш ҳамда сунъий интеллект ёрдамида ТИФ иштирокчиси томонидан тақдим этилган товарнинг ТИФ ТН кодига солиштириб, унинг ўхшашлик даражасини баҳолаш юзасидан тадқиқот ишларини амалга ошириш.</p>	<p>1. Тадқиқотни амалга ошириш учун хорижий тажрибани ўрганиш. 2. ТИФ ТН кодини аниқлаш учун маълумотларни тўплаш ва тайёрлаш 3. ТИФ ТН кодини ўхшашлик даражасини баҳолаш юзасидан тадқиқотни амалга ошириш.</p>	<p>2025 йил ноябрь 2026 йил июнь 2026 йил декабрь</p>	<p>Божхона кўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Божхона кўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги</p>
7.	<p>Жисмоний шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг божхонага оид саволларига жавоб берувчи сунъий интеллектга асосланган “Божхона маслаҳатчиси” чағ-ботини жорий этиш юзасидан тадқиқот ишларини амалга ошириш.</p>	<p>1. Тадқиқотни амалга ошириш учун хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Божхонага оид саволларига жавоб бериши учун маълумотларни тўплаш ва тайёрлаш. 3. Божхона “маслаҳатчиси” чағботини жорий этиш юзасидан тадқиқот ишларини амалга ошириш.</p>	<p>2025 йил декабрь 2026 йил май 2026 йил ноябрь</p>	<p>Божхона кўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Божхона кўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги</p>
8.	<p>Божхона органларининг дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, шунингдек, назорат техника</p>	<p>1. Ягона тизими оператори томонидан божхона органларига янги технологияларни таъбиқ этиш, дастурлаш, сунъий</p>	<p>2025-2026 йиллар</p>	<p>Ягона тизим оператори маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Божхона кўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги</p>

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
	<p>воситаларининг техник кузагувини амалга ошириш учун “Ўзбектелеком” АК тизимидаги “Unicon-soft” МЧЖни ягона тизим оператори этиб белгилаш.</p>	<p>интеллект технологияларини жорий этиш юзасидан инвестиция маблағларини киритиб бориш.</p> <p>2. Божхона кўмитасининг АКТваКТ бошқармаси вазифаларини босқичма - босқич ягона тизим операторига ўтказиш.</p> <p>3. Ягона тизим оператори томонидан кўрсатилган хизматлар учун йиғимлар жорий этиш хисобига ахборот тизимлари ҳамда назорат техника воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш.</p>	<p>2025 декабрь доимий</p>		
9.	<p>Божхона кўмитасининг барча худудий бошқармалари Масофавий электрон декларациялаш божхона постларида Божхона юк декларациясида транспорт харажатларини сунъий интеллект элементлари ёрдамида ҳисоблаш юзасидан тадқиқот ишларини олиб бориш.</p>	<p>1. Тадқиқотни амалга ошириш учун хорижий тажрибани ўрганиш.</p> <p>2. Божхона юк декларациясида транспорт харажатлари бўйича маълумотларни тўплаш.</p> <p>3. Транспорт харажатларини сунъий интеллект элементлари ёрдамида ҳисоблаш юзасидан тадқиқот ишларини амалга ошириш.</p>	<p>2025 йил ноябрь</p> <p>2026 йил июнь</p> <p>2026 йил декабрь</p>	<p>Божхона кўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Божхона кўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги</p>
10.	<p>Божхона органларининг сунъий интеллект соҳасида фаолият юритувчи ходимларини сунъий интеллект соҳасида билим ва малакасини ошириш мақсадида мазкур йўналишида юқори тажрибага эга бўлган ташкилот ва олий таълим муассасаларининг кенг доирадаги курсларида ўқитиш.</p>	<p>Ташкилий чора-тадбирлар</p>	<p>2025-2026 йиллар</p>	<p>Божхона кўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Божхона кўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги</p>

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
11.	Хорижий давлатлар билан савдо алоқаларининг кенгайтиши, товар ва транспорт воситалари бўйича маълумотлар ҳажми ортиши натижасида маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш учун юқори кувватли сервер қурилмалари билан жиҳозлаш.	<p>1. Юқори кувватли сервер қурилмалар билан жиҳозлаш бўйича Ягона тизими оператори томонидан 1 млн АҚШ долларлари миқдорда инвестиция маблағларини қиритиш.</p> <p>2. Жалб қилинган маблағлар ҳисобидан сервер қурилмаларини харид қилиш.</p> <p>3. Сервер қурилмаларни ўрнаттиш ва ишга тушириш.</p>	2025-2026 йиллар	Ягона тизим оператори маблағлари ҳисобидан	Божхона қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирилиги
12.	Ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишда барча иштирокчилар учун қулай бўлган тартиботларни, шу жумладан, логистика хизматларини ўз ичига олган “GATE” (Global Access for Trade and Exchange) ахборот платформасини сунъий интеллект технологияларини қўллаган ҳолда ягона оператор билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш.	<p>1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш.</p> <p>2. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Тизимни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.</p>	2025 йил ноябрь 2026 йил май 2026 йил декабрь	Ягона тизим оператори маблағлари ҳисобидан	Божхона қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирилиги
13.	Мамлакаат транзит салоҳиятини ошириш ҳамда божхона ва юк операцияларини амалга ошириш жараёнларини соддалаштириш мақсадида божхона назорати остида кузатув жараёнларига сунъий интеллект қўллаган ҳолда ягона тизим оператор билан ҳамкорликда “GPS”	<p>1. Ягона тизим оператори томонидан божхона назорати остида кузатув жараёнларига сунъий интеллект технологияларини қўллаган ҳолда “GPS” электрон пломбалар харид қилиш учун 1-1,5 млн доллар қийматида инвестиция қиритиш.</p>	2025-2026 йиллар	Ягона тизим оператори маблағлари ҳисобидан	Божхона қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирилиги

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
	электрон пломбалар орқали ташиш амалиётини жорий қилиш.	<p>2. Жалб қилинган маблағлар ҳисобидан “GPS” электрон пломбалар харидини амалга ошириш.</p> <p>3. Божхона назорати остида кузагув жараёнлари доимий мониторингини олиб боришга мўлжалланган дастурий таъминот ишлаб чиқиш.</p> <p>4. “GPS” пломбалар ҳамда дастурий таъминотни комплекс амалиётга жорий этиш.</p>			
14.	Чегара ўтказиш пунктлари орқали ҳаракатланаётган транспорт воситаларини сунъий интеллект технологиялари асосида ишловчи сканер қилувчи инспекцион кўрик мажмуалари билан жиҳозлашни ягона тизим оператори билан ҳамкорликда амалга ошириш.	<p>1. Сунъий интеллект технологиялари асосида ишловчи инспекцион кўрик мажмуалари билан жиҳозлаш.</p> <p>2. Биринчи босқичда 1 та авто ва 1 та темир йўл чегара божхона постларига ИКМ қурилмаларини ўрнатиш.</p> <p>3. Божхона кўмитаси балансидаги барча инспекцион кўрик мажмуаларини доимий созлигини таъминлаш мақсадида ягона тизим операторига техник кузагувини амалга ошириш учун уларни топшириш.</p> <p>Ягона тизим оператори томонидан Божхона кўмитаси билан ҳамкорликда назорат техник воситаларига техник хизмат кўрсатувчи махсус лаборатория ҳамда мобил гуруҳлар ташкил этиш.</p>	2025-2026 йиллар	Ягона тизим оператори маблағлари ҳисобидан	Божхона кўмитаси, Рақамли технологиялар вазирилиги

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
15.	Ислom Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти ҳамда Тошкент вилояти божхона бошқармасининг “Навоий” чегара божхона постларида фуқароларни ўтишида қулайлик яратиш мақсадида уларни идентификация қилиш борасида сунъий интеллектга асосланган “UzFace” тизимини Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда синовдан ўтказиш.	Ташкилий чора - тадбирлар	2026 йил декабрь	Ижрочилар маблағлари ҳисобидан	Божхона қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги
III. Банк-молия соҳаси					
16.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида “Таҳлилий ахборот тизими” (ADR) лойиҳасини амалга ошириш.	1. Техник топирикни белгиланган тартибда келишиш ва харид ҳужжатларини тайёрлаш. 2. Дастурий таъминот ва аппарат-дастурий комплекслари ишлаб чиқувчи ва интеграторларни аниқлаш ва шартнома имзолаш. 3. “Таҳлилий ахборот тизими” (ADR)ни тажриба синовдан ўтказиш.	2025 йил ноябрь 2026 йил сентябрь 2027 йил июнь	Ўз маблағлари ҳисобидан	Марказий банк, Рақамли технологиялар вазирлиги
17.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида сунъий интеллект элементлари мавжуд бизнес-таҳлилий воситани жорий қилиш.	1. Сунъий интеллект воситасида амалга ошириш имконияти мавжуд устувор йўналишларни аниқлаш ҳамда ушбу йўналишларга мос сунъий интеллект элементлари мавжуд бизнес-таҳлилий воситани танлаш. 2. Бизнес-таҳлилий воситани синовдан ўтказиш.	2025 йил октябрь 2026 йил март	Ўз маблағлари ҳисобидан	Марказий банк, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
18.	<p>Бюджет ташкилотларининг харажатларини ҳисоб-китоб қилиш бўйича ахборот тизимини яратиш.</p> <p>Бунда: бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасидан келиб чиқиб, харид режалари ва иш ҳақини автомат шакллантириш; бюджет ташкилотларининг харажатларини таҳлил қилиш ва режалаштириш жараёнларида сунъий интеллект технологияларини қўллаш.</p>	<p>1. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда хорижий тажрибани ўрганиш.</p> <p>2. Лойиҳа техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Тизимни синов тарикасида ишга тушириш.</p>	<p>2025 йил декабрь</p> <p>2026 йил сентябрь</p> <p>2027 йил май</p>	Ўз маблағлари ҳисобидан	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
IV. Жамоат хавфсизлиги, экология, саноат, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар					
19.	<p>Интеллектуал видео таҳлил ёрдамида саноат объектларида хавфсизлик қондаларига риоя қилинишини назорат қилиш (каска, ёруғлик акс этирувчи жисмларни аниқлаш) тизимини жорий этиш.</p>	<p>1. Тизимни ишлаб чиқиш ва синов тарикасида ишга тушириш.</p> <p>2. Ахборот тизимини жорий этиш.</p>	<p>2025 йил ноябрь</p> <p>2026 йил февраль</p>	Ўз маблағлари ҳисобидан	“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, Рақамли технологиялар вазирлиги
20.	<p>3-сон гидрометаллургия заводида технологик хараёнларини бошқариш учун сунъий интеллект асосида рақамли ёрдамчи тизимини жорий этиш.</p>	<p>1. Белгиланган тартибда ускуналарни харид қилиш.</p> <p>2. Тизимни ишлаб чиқиш ва синов тарикасида ишга тушириш.</p>	2025-2026 йиллар	Ўз маблағлари ҳисобидан	“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, Рақамли технологиялар вазирлиги
21.	<p>“Шарқий” конида диспетчерлик хизмати учун замонавий “ВІ” воситаларини</p>	<p>1. Тизимни ишлаб чиқиш ва синов тарикасида ишга тушириш.</p>	2025-2026 йиллар	Ўз маблағлари ҳисобидан	“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ,

Т/р	Чора – тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
	(Advanced Data Analytics) ишлаб чиқиш.	2. Ахборот тизимини жорий этиш.			Рақамли технологиялар вазирлиги
22.	Сунъий интеллект асосида конларда оғир юк ташувчи транспорт воситалари хайдовчиларини назорат қилувчи видеоаналитик (DMS) тизимини жорий қилиш.	1. Тизимни ишлаб чиқиш ва синов тарикасида ишга тушириш. 2. Ахборот тизимини жорий этиш.	2025-2026 йиллар	Ўз маблағлари ҳисобидан	“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, Рақамли технологиялар вазирлиги

Изоҳ: Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси йиғилиши баёни асосида мазкур иловага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 декабрдаги 356-сон қарори билан тасдиқланган Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 5-банди “б” кичик бандининг йигирма бешинчи хатбошидаги “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари” сўзлари “Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидаги айрим ташкилотларнинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 25 июндаги 409-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ–4699-сон қарорига мувофиқ “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази”, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарори билан “Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказлар) ташкил этилганлиги ва уларнинг асосий вазифалари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин”;

б) 2-банднинг “б” кичик бандида:

биринчи хатбошидаги “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” сўзлари “Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, халқаро стандартлар ва методологияларни жорий этиш бўйича ягона технологик ёндашувни таъминлаш;

маълумотларни қайта ишлаш учун технологик инфратузилмани ривожлантириш ҳамда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларида сунъий интеллект технологиялари асосида устувор лойиҳаларни амалга ошириш;

сунъий интеллект технологиялари асосида рақобатбардош дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳамда уларнинг ташқи бозорларга чиқишини қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

электрон давлат хизматларини кўрсатиш тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий этишнинг устувор йўналишларини белгилаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

сунъий интеллект соҳасида кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, аҳолини сунъий интеллект имкониятларидан амалий фойдаланишга кенг ўргатиш, шунингдек, ушбу йўналишда илмий салоҳиятни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш”;

в) 3-банднинг учинчи хатбошисидаги “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари” сўзлари “Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-банднинг “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) “Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази” давлат муассасасининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси;

хўжалик шартномалари доирасида кўрсатилган хизматлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишдан тушган маблағлар;

зарур техник инфратузилмани тақдим этиш эвазига шартномавий асосда стартап-лоийҳалардаги ўз улушларини сотишдан тушган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар”;

д) қуйидаги мазмундаги 5¹-банд билан тўлдирилсин:

“5¹. Белгилаб қўйилсинки, 2030 йил 1 январдан бошлаб “Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси ўзи кўрсатган хизматлар доирасидаги тушумлар ҳисобидан босқичма-босқич мустақил молиялаштиришга ўтади”;

е) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Марказлар қуйидаги манзилдаги биноларда текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин:


“Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси Тошкент шаҳрининг, Мирзо Улуғбек тумани И. Мўминова кўчасидаги 4-уй;

“Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази” давлат муассасаси Тошкент шаҳрининг Яшнобод тумани Махтумқули кўчасидаги 114А-уй.

Бунда, биноларни сақлаш бўйича жорий харажатлар фойдаланувчилар томонидан қопланади”;

ж) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги
“Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази”
давлат муассасасининг
ТУЗИЛМАСИ**



Изоҳ. Марказ ходимларининг умумий чекланган сони (ёрдამчи персонал ходимлардан ташқари) – 50 нафар. Ёрдამчи персонал ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади”.

